

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

199 Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1272-4*

(2011 йил 22 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1272, 2003 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 29 апрель,
01-02/20-6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.